



ЖИНОЯТ ИШЛАРИ ЮРИТУВИДА КЕЛИШУВ ИНСТИТУТИ МОҲИЯТИГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

Бобаждонов Элёрбек Рашидович

Судъялар олий мактаби тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6559850>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 05-May 2022

Ma'qullandi: 10-May 2022

Chop etildi: 17-May 2022

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада жиноят ишлари юритувида келишув институти моҳиятига замонавий ёндашувлар маласалалари ҳақида фикр юритилади.

KALIT SO'ZLAR

жиноят ишлари
юритуви, келишув
институти, жиноят
процессуал кодекси,
жиноят кодекси

Бугунги кунда жиноят процессининг ўзига хос хусусиятларидан бири - жиноятларни тезкорлик билан очиш, процессуал воситалардан оқилона фойдаланиш мақсадларида самарали процессуал шаклларни қўллаш билан боғлиқ бўлиб, процессуал келишув институти айнан самарали процессуал шакллардан бири ҳисобланади.

Шиддат билан ривожланаётган ижтимоий муносабатларга ҳамоҳанг равишда миллий ҳуқуқ тизимларининг ривожланиш стратегиясини, ижтимоий низоларни ҳал қилишнинг шу жумладан, одил судловни амалга оширишнинг янги услубларни излаш, жиноят ишларини юритишни такомиллаштиришга қаратилган барқарор тенденция шаклланишига олиб келди¹.

Жумладан, БМТнинг Жиноятчиликни олдини олиш ва жиноят ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш масалаларига бағишланган XII-Конгрессида (Бразилия, Сальвадор, 12-19.04.2010) жиноятчилик ҳолатига салбий таъсир қилувчи муаммолар сифатида: самарасиз ва узоққа чўзиладиган тергов, судга қадар қамоқдан озод қилиш тартибидан фойдаланишнинг чекланганлиги, ишларни кўришнинг самарасиз амалиёти, прокуратура ва суд органларининг чекланган имкониятлари, суд ишларини юритишнинг соддалаштирилган тартиби мавжуд эмаслиги ёки етарли даражада фойдаланилмаслиги кўрсатилиб, мазкур муаммолар судларда тамомланмаган ишлар сони ортишига, терговни тамомлаш ва судга бериш муддатини қабул қилиб бўлмайдиган даражада чўзилишига, сабаб бўлмоқда. Барча бу муаммолар дастлабки қамоқда бўлиш муддатини узайишига

¹ Качалова О.В. Ускоренное производство в российском уголовном процессе : дис. ... д-ра юрид. наук. М., 2016. С. 5.



сабаб бўлувчи омилларга киради. Дастлабки қамоқ муддати тайинланиши мумкин бўлган жазодан кўпроқ бўлган ҳолатлар учраши² қайд қилинган.

Н.Костенконинг фикрича, хорижий мамлакатларнинг жиноят процессуал қонунчилигида “келишув”ни таҳлил қилганда, “айбига иқдорлик бўйича келишув” (АҚШ) варианты ҳамда “ҳамкорлик тўғрисида келишув” (Европа мамлакатлари) вариантлари кенг қўлланилмоқда³.

Дунёда мазкур институтнинг АҚШ тажрибаси яъни, “plea bargaining” машҳур бўлиб⁴, ишни судга қадар юритиш босқичида прокурор айбловнинг баъзи эпизодларидан ёки квалификация қилувчи белгиларидан воз кечади, айбланувчи эса айбига иқдор бўлади, эвазига енгилроқ жазо олади. Бошқача айтганда, ҳукм ишни кўриш натижаси эмас, тарафлар ўртасидаги келишувнинг натижаси бўлади. Мазкур институт АҚШда XIX асрда пайдо бўлиб, амалда қўлланиб келган бўлсада, 1960 йиллардагина Олий суд мазкур институтни Конституцияга мослигини тан олган. Бугунги кунда мазкур институт АҚШ жиноят-процессуал тизимининг рамзий белгиси ҳисобланиб, 97% ишлар мазкур тартибда кўриб чиқилади. Натижада, классик шаклдаги

жиноят процесси жуда кам ҳолда учрайди, шу билан бирга, охириги вақтларда мазкур тенденция танқид қилинмоқда⁵.

АҚШда келишув айбланувчи аслида содир этган жиноятдан оғирроқ жиноятни содир этганлигига иқдор бўлиши, эвазига давлат айбловини амалда содир этилган қилмиш учун иш судда кўрилган тақдирда тайинланиши мумкин бўлган жазодан ҳам енгилроқ жазо тайинланишини сўрайди.

АҚШда кўпгина олимларнинг фикрича, айбга иқдорлик ҳақида келишувнинг энг заиф нуқтаси, жиноят қонунчилигининг чегараси ҳаддан ташқари кенглиги яъни, ҳар қандай шахсга жиноий айблов қўйилиши мумкинлиги ва прокурорнинг келишув тузиш бўйича дискрецион (маъмурий) ваколатларининг кенглиги билан боғлиқ⁶.

Биринчидан ҳаддан ташқари кўп дискрецион ваколат ўзбошимчалик ва тенгсизликка олиб келиши, ваколатнинг камлиги эса, қонунни индивидуал қўллашга тўсқинлик қилиши мумкин бўлиб, мазкур ҳолатда прокурорнинг дискрецион ваколатлари ишни мазмунан ҳал қилиш юзасидан суднинг ваколатига ҳам хавф бўлиши мумкин.

Иккинчидан, кўпгина йиллар мобайнида англосаксон ҳуқуқ тизимида келишувга қаратилган музокаралар олиб борилиб, тартибга солинмаган эди. АҚШда мазкур масала Жиноят суд ишлари юритишнинг федерал нормаларининг 11-қоидасига 1974

² XII Конгресс ООН по предупреждению преступности и уголовному правосудию: Семинар-практикум по стратегиям и оптимальным видам практики по предупреждению переполненности исправительных учреждений. Справ. док. Док. ООН A/CONF.213/16, 25 January 2010. P. 12.

³ Н.С.Костенко Досудебное соглашение о сотрудничестве в уголовном процессе: правовые и организационные вопросы заключения и реализации: Автореф. дис. ... кан. юрид. наук. – Челябинск.: Волгоградская академия МВД России, 2013. – С. 9.

⁴ Criminal.findlaw.com.

⁵ Milton Heurmann. Plea bargaining: The experinces of prosecutors, judges, and Defence Attorneys.University of Chicago Press. 2020. P. 228.

⁶ Kenneth Culp Davis, Discretionary Justice: A Preliminary Inquiry. Supra note 4, at 52.



йилда қўшимчалар киритилиши билангина тартибга солинди.

Бундан ташқари, АҚШ Олий суди давлат органлари томонидан айбига иқдорлик ҳақида келишувга эришиш учун жисмоний зарар ёки руҳий мажбурлашдан ёки таҳдиддан фойдаланиш мумкин эмаслигини эътироф этган ҳолда айбланувчи томонидан эҳтимолий жазони баҳолаш мажбурлаш ҳисобланмаслигини қайд этган⁷. АҚШда прокурорнинг мазкур масалада ваколатларини суистеъмол қилиши мумкинлиги билан боғлиқ қуйидаги муаммолар мавжуд.

Хусусан, прокурор айбланувчини келишувга мажбурлаш мақсадида унинг айбини сунъий равишда оғирлаштириши, яъни айнан озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган айбловлар қўйиш билан унга руҳий таъсир ўтказиши. Яъни, бунда, айбланувчи ўзининг ихтиёри билан эмас, тайинланишини мумкин бўлган жазо таҳдиди остида келишув тузади.

Швейцарияда айбга иқдорлик ҳақида келишув юзасидан иш юритишнинг ўзига хос шакли буйруқ тартибида иш юритиш ҳисобланади (*der Strafbefehl*). Мазкур тартибга кўра, агар дастлабки тергов босқичида айбланувчи ўзининг айблилиги ҳақидаги ҳолатларни тан олса, прокуратура уни жазолаш ҳақида буйруқ чиқаради ва қуйидаги жазо турларидан бирини тайинлайди.

унча оғир бўлмаган жарима;
жиноий жарима;
жамоат ишлари;

6 ойгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум қилиш.

Агар 10 сутка ичида айбланувчи ёки бошқа манфаатдор шахслар, юқори турувчи прокуратура органлари томонидан эътироз билдирилмаган тақдирда жазолаш ҳақидаги буйруқ ҳукмга тенглаштирилади.

Агар улар буйруққа норозилигини билдирган тақдирда прокуратура эътирозни ҳал қилиш учун қўшимча далиллар йиғади ва натижасига кўра қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

а) жазолаш ҳақидаги буйруқни ўз кучида қолдиради;

б) иш юритишни тугатади;

в) жазолаш ҳақида янги буйруқ чиқаради;

г) биринчи инстанция судида ишни кўриш учун айблов эълон қилади.

Россия Федерацияси ЖПКнинг 40-бобида ҳам Италия тажрибаси асосида алоҳида тартибда иш юритиш кўзда тутилган. Унга кўра, алоҳида тартибда иш юритиш айбланувчининг процессуал ҳуқуқи бўлиб, мазкур тартибни айбланувчи айбига иқдор бўлган ва судга алоҳида тартибда ишни кўриш ҳақида ариза берган ҳоллардагина қўллаш мумкин бўлади. Айбловга розилик, қилмишнинг фактик ҳолатлари, айб шакли, мотиви, квалификация, етказилган зарар ҳажми ва миқдорига розиликни англатади. Бироқ, кейинчалик, ЖПКда кўзда тутилмаган бўлсада, РФ Олий суди томонидан вояга етмаганларга нисбатан мазкур институт қўлланилмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

ГФРда эса, “Айбига иқдорлик ҳақида келишув” (Германия, Руминия, Туркия ва б.қ), яна бошқа бир қатор давлатларда тарафларнинг дастлабки терговдаги келишуви деб юритилади.

⁷ Bradley V. United States, 410 U.S. 605 (1973)



Жумладан, ГФРда ярашувчилик ярашув камерасида махсус судья томонидан амалга оширилади. Махсус судья 3 йил муддатга туман суди директори билан келишган ҳолда жамоат кенгаши тақдимига биноан маҳаллий жамоа ёки шаҳар, туманда сайланади. Бу судьянинг фаолияти юзасидан шикоятлар округ адлия бошқармасида кўриб чиқилади⁸.

Маълумки, жаҳонда бир қанча ҳуқуқ оилалари мавжуд бўлиб, уларда процессуал келишув институтининг тури сифатида ярашув институтини қўллаш асослари ва жараёнида бир қанча фарқли жиҳатларни кўришимиз мумкин. Масалан, Англо-саксон ҳуқуқ тизимида оид давлатлар жиноят ҳуқуқида ярашув институтини қўллашнинг моддий-ҳуқуқий асоси бўлиб қилмишнинг кам аҳамиятлилиги ҳисобланади. Континентал ҳуқуқ тизимида мансуб давлатларда эса, ярашув асослари янада аниқ қилиб кўрсатиб ўтилади. Континентал ҳуқуқ тизимида мансуб давлатларда ҳуқуқбузарнинг жабрланувчи билан ярашиши оммавий шартнома кўринишида расмийлаштирилади. Масалан, Нидерландия, Бельгия, Францияда бундай ярашув “ўзаро мураса билан амалга ошириладиган” жабрланувчи ва ҳуқуқбузар ўртасидаги келишув маъносини англатадиган “трансакция” (transaction) номини олган. Турли давлатларда ярашув институтининг номи турлича бўлганидек, уни қўллашнинг фарқли жиҳатлари ҳам мавжуд. Жумладан, немис қонунчилигининг умумий жиноят

ҳуқуқи ва ярашувнинг раҳбарий ғоясидан фарқли жиҳати шундаки, ярашувни қўллаш учун жабрланувчининг розилиги мажбурий элемент сифатида кўзда тутилмаган⁹.

Б.Стефаноснинг фикрига кўра, процессуал келишувни тан олиш авваламбор, жиноят суд ишларини юритишни тезлаштириш, процессуал харажатларни қисқартириш, диспозитив асосларни кенгайтириш, жазо тури ва чорасини прогноз қилиш билан боғлиқ¹⁰.

Бироқ, бу жиноят ишларини тергов қилишда процессуал келишув амалда қўлланмаганлигини англатмайди. Моддий нормалар қилмишига пушаймон бўлиш, жиноятни очиш, жиноий шерикларини фош қилишда фаол ёрдам беришни жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этгани ҳолда, мазкур масала процессуал жиҳатдан тартибга солинмаганлиги, яъни, юқоридаги шартларни бажарган шахсларга нисбатан қатъий кафолатларни мавжуд эмаслиги, келишувнинг норасмийлиги, келишувнинг оқибатларини қўллаш баъзида субъектив омилларга асосланиши мазкур институтнинг имкониятларидан тизимли фойдаланишга тўсқинлик қилган.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66-моддаси ижтимоий хавфи катта

⁹ Юрков В.В. Институт примирения с потерпевшим в системах обращения с несовершеннолетними правонарушителями в России, Австрии и Германии // Криминологический журнал ОГУЭП. 2009. №1(7). - С. 47.

¹⁰ Stephanos B. Harmonizing substantive criminal law values and criminal procedure / B. Stephanos // Cornell Law Review.

⁸ Арупонян А.А. Международные стандарты медиации в уголовном судопроизводстве//Закон. - Москва, 2011. - №9



бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги, 71-моддаси эса, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса, суд томонидан жазодан озод қилиниши мумкинлигини назарда тутди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 112-моддаси “Гумон қилинувчи ва айбланувчининг кўрсатувларини баҳолаш” дея номланиб, унга кўра, гумон қилинувчининг у содир этган жиноят ҳақидаги кўрсатувлари ва айбланувчининг ўз айбига иқдор бўлиши, бу иқдор бўлиш мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган тақдирдагина, уни айблаш учун асос қилиб олиниши мумкин.

Гумон қилинувчи ва айбланувчининг берган кўрсатувлари билан аниқланган ҳолатлар, айбланувчи ўз айбига иқдор бўлган тақдирда ҳам, ўзининг айбдор эканлигини инкор қилган тақдирда ҳам ишнинг ҳамма ҳолатлари билан боғланган ҳолда бошқа далиллар каби текшириб чиқилиши ва баҳоланиши лозим”лиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 113-моддасида, “айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз — ариза берувчининг ўзи содир этган жинояти тўғрисида у шу жиноятни содир этишда гумон қилинмасдан ва унга айблов эълон қилинмасдан олдин берган хабаридир.

Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз оғзаки ёки ёзма бўлиши мумкин. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд оғзаки хабарни баённомада акс эттиради, унга арз қилувчининг шахсига доир маълумотлар киритилади ва унда арзнинг мазмуни биринчи шахс номидан баён қилинади. Баённомага арз қилувчи ва суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья имзо чекади.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

I. Раҳбарий адабиётлар:

1.1. *Мирзиёев Ш.М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.

1.2. *Мирзиёев Ш.М.* Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши лозим. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

2.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – 76 б.



2.2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (lex.uz).

2.3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (lex.uz).

III. Илмий адабиётлар:

3.1. Bradley V. United States, 410 U.S. 605 (1973)

3.2. Expert Forum on Criminal Justice for Central Asia. Final Report, OSCE ODIHR, 17-18 June 2010, Dushanbe, Tajikistan.

3.3. K.S.Chauhan Plea bargaining in India: an overview // http://jmsjournals.in/admin/uploads/12_pdf.pdf

3.4. Kenneth Culp Davis, Discretionary Justice: A Preliminary Inquiry. Supra note 4, at 52.

3.5. Milton Heurmann. Plea bargaining: The experiences of prosecutors, judges, and Defence Attorneys. University of Chicago Press. 2020. P. 228.

3.6. Stephanos B. Harmonizing substantive criminal law values and criminal procedure / B. Stephanos // Cornell Law Review.

3.7. Types of Criminal Proceedings in Spain: Juicio Rápido and Procedimiento Abreviado // <https://advocateabroad.com/types-of-criminal-proceedings-in-spain-juicio-rapido-and-procedimiento-abreviado/>

3.8. Viano, Emilio C. «Plea Bargaining in the United States: a Perversion Of Justice», Revue internationale de droit pénal, vol. vol. 83, no. 1-2, 2012, pp. 109-145.

3.9. XII Конгресс ООН по предупреждению преступности и уголовному правосудию: Семинар-практикум по стратегиям и оптимальным видам практики по предупреждению переполненности исправительных учреждений. Справ. док. Док. ООН A/CONF.213/16, 25 January 2010. P. 12.

3.10. Абдулвалиев А.Ф. Предпосылки и перспективы внедрения электронной формы уголовного дела в деятельность судебных органов // NB: Вопросы права и политики. — 2013. - № 5. - С.150-164.

IV. Автореферат, диссертация ва монографиялар

4.1. Архипова Е.А. Применение видеоконференцсвязи в уголовном судопроизводстве России и зарубежных стран (сравнительно-правовое исследование): Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: Академия Генеральной прокуратуры РФ, 2013. – С. 6.;

4.2. Батюкова В.Е. Потерпевший в уголовном праве. Автореф. дисс. на учен. степ. канд. юрид. наук. – М., 1995; Булгаков Д.В. Потерпевший в уголовном праве и его криминологическая характеристика. Автореф. дисс. на учен. степ. канд. юрид. наук. - Ставрополь, 2000;

4.3. Бердиев Ш. Жиноят қонунларини либераллаштирилиши жараёнида жиноий жавобгарликдан озод қилиш муаммолари: Дис. ... юрид. фан. док. – Т.: ТДЮИ, 2011. – Б. 339.



4.4. Владимирова О.А. Освобождение от уголовной ответственности в связи с примирением с потерпевшим: Автореф. дис. ... кан. юрид. наук. – Самара.: Самарский государственный университет, 2001. – С. 24.

4.5. Давыдова Е.Д. Примирение с потерпевшим в уголовном праве : Автореф. дис. ... кан. юрид. наук. – Ставрополь.: Ставропольский государственный университет, 2001. – С. 22.